

Бидъатнинг ҳукми



23:54 / 02.12.2016 4704

Албатта, маъсият билан бидъатнинг орасида фарқ бор. Осий маъсиятни гуноҳ эканини билиб, хижолат бўлган ҳолда амалга оширади. Савобдан маҳрумлигини ва жазога гирифтор бўлишини ҳам билади. Аммо бидъатчи ўзини ҳақ йўлда деб билади. Ўзгаларни унга эргашмаганликда айблайди. Бидъати учун савоб олишига қаттиқ ишонади. Ҳар бир банда бошқа салбий нарсалар каби бидъатдан ҳам узоқда бўлиши лозим.

1. Ақийдадаги бидъат динда маълум бўлган очиқ-ойдин эътиқодга хилоф бўлса, ҳаром бўлади ҳамда куфрга олиб боради. Агар ақийдадаги бидъат юқоридаги зикр қилинган нарсадан паст ва аҳли сунна ва жамоа ақийдавий мазҳабига хилоф бўлса, фисқ бўлади.

2. Ибодатдаги бидъат гоҳида ҳаром, гоҳида макруҳ бўлиши мумкин.

Ҳаромига таркидуёчилик, офтобда туриб рўза тутиш ва аёлларга яқинлашмаслик учун ўзини бичиш каби бидъатлар мисол бўлади. Ибодатдаги макруҳ бидъатга жума хутбасида султонларни зикр қилиш ва масжидларни ортиқча безаш мисол бўлади.

3. Одатлардаги бидъат макруҳ ёки мубоҳ бўлиши мумкин: еб ичишда исроф қилиш – макруҳ, емоқ ва ичмоқда лаззатни ишаш – мубоҳ.

Бидъатнинг келиб чиқиш сабаблари:

1. Қуръон ва Суннат таълимотларини билмаслик.
2. Шариатнинг нуқсонсиз ва мда мукамал эканини тушуниб етмаслик.
3. Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларда бир-бирига зидлик йўқлигини тушуниб етмаслик.
4. Суннатнинг аслини ва унинг саҳиҳини билмаслик.
5. Ақлга ҳаддан ташқари ишониб кетиш.
6. Муташобих – бир-бирига ўхшаш ва оддий одам тушуниши қийин бўлган матнларга эргашиб кетиш.
7. Ҳавойи нафсга эргашиш.
8. Урф-одатларни маҳкам ушлаб олиш.
9. Ота-боболарининг қилган ишини диндан деб билиш.
10. Баъзи тақлидчилар мазҳабига маҳкам ёпишиб олиш.
11. Бузуқ тасаввуфга эргашиш.
12. Тушга амал қилиш.

Бидъатга қарши мусулмонлар қилиши керак ишлар:

1. Қуръони каримни атрофлича, яхши ва пухта ўрганиб унга амал қилиш.
2. Суннати мутоҳҳарани атрофлича, яхши ва пухта ўрганиб унга амал қилиш.
3. Ижтиҳодга салоҳияти йўқ кишиларнинг гапини қабул қилмаслик.
4. Қандайдир гап ёки фикрга нисбатан таассубни тарк қилиш.
5. Овомларнинг динда гап юритишини ман қилиш.
6. Аҳли сунна ва жамоа ақийдавий мазҳаби ва мўътабар фикрий

мазҳабларга хилоф бўлган тоифа, фирқа ва гуруҳларни жиловлаш.

7. Муслмонларнинг раҳбарлари бузуқ йўлдаги фирқаларнинг одамларига насиҳат қилиб, уларни тўғри йўлга бошлашлари зарур.

Бидъатнинг зарарлари:

1. Амаллар ҳабата бўлади.
2. Шайтон бидҳатчига яқин бўлади.
3. Ҳақ билан ботилнинг аралашиб кетиши.
4. Исломни яхши билмаганлар нафратининг қўзиши.